

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЯРОВА ШАХЛОХОН РОВШАН ҚИЗИ

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИКА
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Диярова Шахлохон Ровшан қизи

Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогика олий таълим
муассасалари талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантири.....3

Диярова Шахлохон Ровшан қизи

Развитие правовой культуры студентов педагогических высших
образовательных учреждений в условиях информатизации
образования.....25

Diyarova Shakhlokhon Rovshan kizi

Development of students' legal culture at pedagogical higher education
institutions in education informatization condition.....47

Эълон қилингандишилар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....51

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЯРОВА ШАХЛОХОН РОВШАН ҚИЗИ

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИКА
ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.3.PhD/Ped2677
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исянов Равиль Геннадьевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Юнусова Мунаввар Сабировна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» ____ соат ____ даги
мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси
27-й. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185,
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 27-й. Тел.: (99871) 276-82-32; факс:
(99871) 276-76-51

Диссертация автореферати 2021 йил «__» ____ да тарқатилди.
(2021 йил “__” ____ да ____ рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.М.Медетова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби в.б., п.ф.д., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида таълимни ахборотлаштириш шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳлоқий билим ва кўнікмаларини ривожлантириш, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг креатив-модулли технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида белгиланган ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол этиб тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратиш асосида, инновацион педагогик технологиялар воситасида, таълим жараёнларини ҳамда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳаларни татбиқ этишга оид тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини кенгайтириш, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизими самарадорлигини таъминлаш, ҳуқуқий хабардорлигини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талаба ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсир даражасини ошириш, уларни жамоат ва давлат ишларига кенг жалб этиш, турли институтлар орқали талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришнинг оптимал ечимларини топиш, бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республика олий таълим муассасаларида сўнги йилларда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг дастурий-методик ва моддий-техник базасини шакллантириш, жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари тажрибаси асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда миллий, маданий ва тарихий анъаналардан фойдаланишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ вазифалари устувор этиб белгиланди. Бу борада талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадли тадқиқотлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 апрелдаги 342-сон “Жамиятда ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотниң республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш, талаба ёшларнинг хуқуқий маданиятини шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларда педагогик маданият ва таълимни ахборотлаштиришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари М.Абдуллаев, Б.С.Абдуллаева, А.Р.Арипданова, М.Л.Арипова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Г.Исянов, Н.У.Махкамов, Г.И.Махмутова, О.Мусурмонова, О.Т.Насриддинова, С.Нишонова, Ш.Олимов, Д.Рўзиева, А.Сайдов, Н.И.Тайлақов, У.Тожихонов, Ж.Т.Туленов, Ш.Т.Халилова, Б.Ш.Шермуҳаммедов, Г.Ж.Шамарибходжаева, М.Юнусова, Э.Ғозиевларнинг илмий ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

Л.И.Аманбаева, В.В.Анисимова, Ю.К.Бабанский, Т.В.Баракина, Р.С.Бозиев, С.В.Бошно, Е.И.Григорьева, М.В.Капитонова, Н.В.Кузмина, А.Малько, А.Мудриқ, Р.С.Немов, И.П.Подласий, В.Сальников, М.С.Фабриковларнинг илмий ишларида ўспирин ёшларни хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг касбга оид жиҳатлари аниқланган.

K.P.Berger, M.L.Busch, M.Beshkar, M.T.Cardador, K.A.Cahalan, A.Watsonлар. томонидан педагог кадрларнинг хуқуқий маданияти, фаолияти тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотниң мақсади таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг хуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотниң вазифалари:

олий таълим муассасаси талабаларида хуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ва психологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг хуқуқий маданиятини ривожлантириш босқичларини аниқлаштириш;

таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Гулистон давлат университетининг 312 нафар респондент-талабалар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш мазмуни, методлари, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун қуйидаги назарий ва эмпирик тадқиқот методлар мажмуасидан фойдаланилди: илмий адабиётларни таҳлил этиш; эксперт баҳолаш; сўровнома; ҳужжатлар таҳлили; эмпирик маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

таълимни ахборотлаштириш шароитида талабалар ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш модели ўз-ўзини ривожлантириш учун мотивацияни, шунингдек уларни масофавий таълимда амалга ошириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган таълим муҳити ўқув жараёнини ахборотга бўлган эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарбия йўналишларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг регулятив, норматив, ижтимоий-ҳуқуқий, коммуникатив, прогностик функциялари ўқув материали тузилишининг модуллилиги, ривожлантириш мониторинги самарадорлиги, интерактивлик, ахборот маданиятини ривожлантирувчи диалектик боғлиқликка интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ҳуқуқий маданияти шахс дунёқарашига таъсир этадиган ижтимоий-маънавий муҳитнинг объектив ва субъектив омилларини миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси, ахборот қидирув хизматларидан индивидуал фойдаланишни ташкил этишнинг мотивацион компонентларига уйғуналаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ҳуқуқий саводхонликни ривожлантириш маънавий мотивацияни ошириш, фуқаролик, ноқонуний хатти-ҳаракатлардан хабардорлик даражаси қонун устуворлигига функционал ҳамда мазмунли ёндашув асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси педагогик таркибининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш шартлари такомиллаштирилган;

педагогик кадрлар ҳуқуқий маданиятининг таркибий тузилмаси аниқлаштирилган;

педагогик кадрлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаси педагогик кадрлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг технологик имкониятлари ва педагогик резервлари таълим амалиётига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувлар ҳамда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, гуруҳ ва микрогуруҳ мураббийларининг тарбиявий фаолиятини ташкил этишга доир тажрибаларга асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос келадиган, ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот методлари қўллангани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланилгани; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларининг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган материаллар диссертация тадқиқоти масаласи бўйича адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали олий таълим муассасалари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган стандартлаштирилган тажриба-синов методикалари (асосий ва ёрдамчи) ҳамда эксперт баҳолаш учун тузилган анкета олий таълим муассасаларининг педагогик таркиби ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш бўйича турли тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишга хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган дастурдан олий таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича машғулотлар ўтказишида фойдаланиш мумкин. Ҳуқуқий маданиятнинг афзалликлари ва уни баҳолашдаги чеклашлар, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш субъектига қўйиладиган педагогик талаблар, таълимни ахборотлаштириш шароитида, ушбу хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантиришни такомиллаштириш бўйича, таълим жараёни педагогик заҳираларининг технологик имкониятлари, аслини олганда, амалий тавсиялардир, уларни педагогик амалиётда қўллаш, умуман, олий таълим муассасалари ўқув-тарбиявий жараёнини жиддий равишда яхшилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларда ҳуқуқий дунёқараш, касбий фаолиятга йўналтирилган педагогик жараёнларда ҳуқуқий саводхонликни ривожлантиришнинг таянч ва хусусий сифатлар ҳуқуқий ахборот-қидирув тизимларига бўлган эҳтиёжни тизимлаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш”

номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021-йил 7-сентабрдаги 02-07-2195/04-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаси талабаларида ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ва психологик жиҳатларини такомиллаштириш имкони яратилган;

таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик кадрларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш модели фаол фуқаролик, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ҳуқуқий тарғиботни касбий-педагогик йўналганлик сифатлари билан уйғунлаштириб тарбиялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021-йил 7-сентабрдаги 02-07-2195/04-сон маълумотномаси). Натижада, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш босқичларини аниқланган;

ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг регулятив, норматив, ижтимоий-ҳуқуқий, коммуникатив, прогностик функциялари шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – маданий-маърифий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий муносабатларда миллий қадриятларга садоқат ҳиссини шакллантириш асосида ривожлантиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021-йил 7-сентабрдаги 02-07-2195/04-сон маълумотномаси). Натижада, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга эришилган;

талабаларнинг ҳуқуқий маданияти ижтимоий-маънавий муҳитнинг объектив ва субъектив омиллари, шахс дунёқарашига таъсир этадиган фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси ва жамият манфаатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021-йил 7-сентабрдаги 02-07-2195/04-сон маълумотномаси). Натижада, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасаси талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4та халқаро ва 4та республика илмий анжуманида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Педагогика олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида таълимни ахборотлаштириш асосида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш мазмуни, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш тажрибасининг тарихий-педагогик тавсифи, талабаларда ҳуқуқий маданият шаклланганлигининг мавжуд ҳолати баён қилинган.

Хозирги қунда рақамли технологияларнинг таълимдаги вазифаси касбий, ҳуқуқий, миллий, маънавий-маърифий, мафкуравий ва маданий соҳаларда талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш масаласи билан боғлиқ. Халқаро таълим андозалари ҳамда Давлат таълим стандартларига мослигининг таъминланиши, таълим мазмунига ҳуқуқий-мафкуравий, маънавий-маданий жиҳатлар ҳам киритилишини талаб қиласи. Давлат таълим стандартлари асосида гуманитар фанлар блокига қўйиладиган талаблар умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинида олинган билимларни тўлдириш ва ривожлантириш; миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёкараш, юксак маънавият ва демократик маданият, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккур, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш сифатида белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида, талабаларда ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришни тақозо этади. Шунингдек, Давлат таълим стандартларида педагогика олий таълим муассасаларининг инсониятни глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи, замонавий

цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш каби талаб ҳам белгиланган.

Хозирги кунда ахборотга жамият ривожининг асосий ресурси, ахборот тизимлари ва технологияларига эса, мутахассиснинг иш маҳсулдорлиги ва самарасини оширишнинг бирламчи воситаси сифатида қаралмоқда. Ҳуқуқий ахборот тизимларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айни дамда, бирор ҳуқуқий ҳужжатнинг янги таҳрирдаги вариантини таҳлил этиш бўлажак педагоглар учун ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун талаба ҳуқуқий ахборот тизимларида ишлашни билиши керак.

Ахборот тизими – ахборот тўплаш, сақлаш, қидириш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалариdir.

Давлат таълим стандарти олий таълим муассасаларига ўқув режасини қисман мустақил тузиш ҳуқуқини берди. Бу олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Шу билан бир вақтда ҳуқуқий соҳани ахборотлаштириш жараёни ривожланди.

ЮНЕСКО ҳулосасига кўра, ахборотлаштириш – бу ахборотларни тўплаш, сақлаш ва узатиш воситаларининг кенг қўлланишидир. У мавжуд билимларни тизимлаштириш, янги билимларни шакллантириш ва уларни бошқариш, янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш учун қўллашни таъминлайди. Демак, ахборотлаштиришнинг стратегик вазифаси янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобига, интеллектуал фаолиятни глобал рационаллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий маданиятли мутахассислар тайёрлаш самарадорлиги ва сифатини кескин оширишдан иборат.

Таълимни ахборотлаштириш талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг жамиятда сиёсий-ҳуқуқий муносабатлардаги фаол иштироки, жамиятда қабул қилинган қонунлардан хабардорлиги, қонунга бўлган хурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро қилиниш даражаси, ҳуқуқий-ахборот қидириув хизматларидан фойдаланиши, ҳуқуққа оид муносабатларда бевосита иштирок этиши ҳамда фуқаролик бурч ва мажбуриятларини амалга оширишни назарда тутади.

Талабаларнинг ҳуқуқий билим, кўникмаларини ривожлантиришда ахборот технологиялари воситаларининг аҳамияти ва ўрнини аниқлашдаги дидактик воситалар икки турга ажратилди. Анъанавий воситалар: дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари, ўқув кўргазма қуроллари, ўқув қуроллари. Электрон воситалар: тренажерлар, техник воситалар ва дастурий, мобиъл воситалар.

Замонавий ахборот технологиялари, интернет, оммавий ахборот воситалари асосида таълим ресурсларини яратиш, ўкув-тарбия жараёнини педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари воситасида бошқариш, масофадан туриб ташкил этиш муаммоларига доир масалалар А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Р.Джураев, Н.Тайлаковларнинг тадқиқотларида илмий жиҳатдан асосланган.

Н.Н.Лебедева Интернет ахборот технологияларининг ҳуқуқий маданият турларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борди, бунда бир неча таркибий қисмларни аниқлади. Муаллиф Интернетнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган ва ҳуқуқий тартибга солиши талаб қиласидиган янги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига айлантирилиши ва бу, охир-оқибат, ҳуқуқий маданиятнинг ўзгаришига олиб келишини таъкидлайди.

Демак, талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг таълим-тарбия жараёни мазмуни, шакл ва услублари, ахборот технологияларини такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади. Бу ўқитувчининг ҳуқуқий билим савияси, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва педагогик маҳоратига боғлиқ.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, таълимни ахборотлаштириш талабалар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга хизмат қиласиди. Педагогик жараёнда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш самарали натижа беради.

Бўлажак педагогнинг ҳуқуқий маданияти шахснинг умумий, жумладан, педагогик маданиятининг таркибий қисмини ўзида акс эттиради. Бу билим, қўникум, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган, ҳуқуқий хулқ-атворни амалга оширишни таъминлашга хизмат қиласидиган касбий нуқтаи назардан зарур ҳуқуқий қараш, тасаввур ва хис-туйғулар ҳамда талабаларнинг ҳуқуқий тарбияси бўйича самарали фаолият тизимиdir.

Академик Ш.З.Ўразаев ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий тизимнинг етуклиги, ривожланганлиги, қонунийликнинг ҳолати, кишиларнинг ҳуқуқий талаблар, қонунга муносабати, аҳоли кенг қатламларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, уларнинг ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини қамраб оладиган кенг тушунча, деган хуносага келган.

В.И.Каминская ва Р.А.Ратинов “ҳуқуқий маданият” тушунчаси ҳуқуқнинг амал қилиш жабҳасига даҳлдор бўлган моддий ва идеал элементлар тизими, уларнинг одамлар онги ва хулқ-атворидаги инъикоси, деб таъриф беради.

В.П.Сальников ҳуқуқий маданиятни шахс ва жамиятнинг турли ҳолатларига кўра, тизимга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий ҳолати сифатида идрок қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодиса, деб тавсифлайди.

Р.И.Хачатуровнинг фикрича, ҳуқуқий маданият деганда, жамият ҳуқуқий ҳаётининг бутун ижтимоий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланган, ҳуқуқий фаолият, юридик ҳужжатлар, ҳуқуқий онгнинг

ривожланиш даражаси, субъект (инсон, турли гурухлар, бутун аҳоли)нинг ҳуқуқий ривожланиш даражаси, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва фуқаролик жамияти томонидан кафолатланганлик даражасида ифодаланадиган ҳолати тушунилади.

Диссертацияда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ қилиш орқали бўлажак педагог кадрларнинг ҳуқуқий маданиятини фаолиятли, самарали, индивидуал, муҳитга доир, муаммоли аспектларда ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари тадқиқ қилинган ҳамда бўлажак педагогларнинг инновацион фаолиятга мойиллиги педагог кадрлар ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми, деган холосага келинган.

Ҳуқуқий маданият замонавий ҳуқуқнинг анъанавий ҳуқуқ, миллий ҳуқуқнинг эса, ҳалқаро ҳуқуқ билан мулоқоти, оғзаки, ёзма, компьютер технологияси орқали алоқаларини ифода этади. Ушбу мулоқот ва алоқалар жараёнида қатнашувчилар ўзаро тажриба алмашади, ўз дунёқарашини бойитади. Ҳуқуқий-маданий тадбирлар жараёнида рўй берадиган жонли мулоқот, алоқа айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгининг ўсишига тез таъсир қиласи.

Шундай қилиб, замонавий таълимда инновация, янада аниқроғи, педагогик ҳамда таълим инновацияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, глобаллашув ҳамда жамиятнинг ахборотлашуви таълим жараёнида ноанъанавий шакллар, самарали метод ва воситаларни қўллаш билан бирга, талабаларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва улардан амалда фойдаланишга нисбатан ҳам инновацион ёндашувни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш касбий-педагогик фаолият тажрибасини такомиллаштиришга олиб келадиган жараён сифатида белгиланди. Демак, педагогнинг инновацион фаолиятга интилиши, инновацион фаолиятга мойиллиги педагог кадрлар фаолияти динамикасини аниқлашга шароит яратади.

Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ҳуқуқий баркамолликка олиб келадиган қўйидаги хусусиятларни ривожлантириш белгиланди: ҳуқуқий нормалар мазмунини мукаммал билиш; ҳуқуқий-ахборот қидирув тизимларидан фойдаланиш; қонун ва ҳуқуқий талабларга чуқур хурматда бўлиш; ҳуқуқий воқелик ва институтларни тўғри англаш ҳамда тушуниш; юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик; ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофаза этадиган восита (қадрият) сифатида баҳолаш ва унга амал қилиш; ҳуқуқий мөъёrlар талабига ихтиёрий тарзда ички эътиқодига кўра риоя этиш ва бошқалар.

Тадқиқот давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” фармонига мувоғиқ, таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогика олий таълим муассасаларида ҳуқуқий

маданиятни ривожлантириш фаолияти тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм). Ушбу тузилма ижтимоий буюртма, тадбирлар ва кутилаётган натижа каби қисмлардан иборат.



1-расм. Педагогика олий таълим муассасаларида талабалар ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш фаолияти тузилмаси

Шундай қилиб, демократик жамиятда халқ ҳамда ҳар бир талаба манфаатларини ифодалаш, ҳимоялаш жараёнлари, ҳуқуқ ва уларни белгилаб берадиган қонунлар воситасидагина амалга оширилади. Талаба ҳуқуқий маданиятининг даражаси унинг манбаси бўлган ҳуқуқий эҳтиёж ва уни ўзлаштириш ҳолатига боғлиқ. Ҳуқуқий эҳтиёж – ҳуқуқий борлиқнинг англанган ички мотиви, қўзгатувчиси, талабанинг ҳуқуқийлашуви, фаоллигининг манбаси. Талабанинг ҳуқуқий эҳтиёжи унинг қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга бўлган талаб сифатида юзага келади.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб таъкидлаш мумкинки, талабаларда хуқукий маданиятни ривожлантириш, шахснинг жамиятда хуқукий маданиятга эга бўлиши, демократик давлат қуриш йўлида унинг хуқукий иштирокини таъминлаш, жамиятда педагог мақомини ошириш, шунингдек, хуқукий ахборот-қидирув тизимларида фаол иштирокини таъминлаш намоён бўлади.

Юқорида баён қилингандар асосида, таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак педагог-кадрларнинг ҳуқуқий маданияти таърифи аниқлаштирилди: педагог-кадрларнинг ҳуқуқий маданияти педагогик тизимда мутахассис дидактик фаолиятга оид ҳуқуқий билим, қўникма ва малакаларини ҳуқуқий ахборот-қидирув тизимларида қўллай олиш компетенцияси”дир.

Диссертациянинг “Педагогика олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш механизмлари” деб номланган иккинчи бобда таълимни ахборотлаштириш шароитида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни, таълимни ташкил этиш (маъруза, семинар, лаборатория, мустақил таълим), таълим амалиётида талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятлари, таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш модели баён қилинган.

М.Усмонбоева умумий ўрта таълим маданиятининг таркибий қисмларидан бири ҳуқуқий маданият эканини асослаб, ҳуқуқий таълим ва тарбия ҳуқуқий маданиятни шакллантирадиган яхлит педагогик жараён эканига эътибор қаратади. Муаллифнинг фикрича, фуқароларда ҳуқуқий маданият қуидаги механизмдан ташкил топади: ҳуқуқий муносабат, эҳтиёж, қизиқиш, мақсад, рағбат, фаолият. Талабаларда ушбу механизмларни ривожлантириш ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари билан ўзаро боғлиқ.

Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ташкил этиш шакллари: маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари ўқитувчининг талабалар билан ўзаро алоқа қилиш ва талабалар фаолиятини бошқариш усуллари сифатида қаралади. Аксарият муаллифлар машғулот шаклларини танлашга ижодий ёндашиш, уларни уйғунликда қўллаш лозимлигини қайд этади.

Ҳозирги кунда, маърузалар ўқитувчининг одатдаги монологи тарзида ўтиши лозим эмас. Ишлаб чиқилаётган таълимнинг методик тизими инновацион хусусиятга эгалигини ҳисобга олиб, маъруза материалини ифодалашнинг янги усулларига мурожаат этамиз: муаммоли маъруза, бунда янги назарий материал муаммоли вазифа тарзида ифодаланади. Унинг шартида аниқлаш ва ҳал этиш талаб қилинадиган зиддиятлар мавжуд бўлади. Маъруза-визуаллаштириш – бундай маъруза тайёрланган материални кенг шарҳлашдан иборат бўлиб, улар: мавжуд билимларни тизимлаштириш, янги ахборотни ўзлаштириш, муаммоли вазиятларни яратиш ва ҳал этишини таъминлаши; визуаллаштиришнинг турли усулларини намойиш этиши лозим.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида амалий машғулот турлари орасида лаборатория ишлари ва практикумлар тарзидағи машғулотлар, айниқса, кенг қўлланади. АҚТ воситаларидан фойдаланиб, ўтказиладиган амалий машғулотлар таълим олувчи ва таълим берувчи ўзаро алоқа қилиши учун қулай имконият яратади: таълим олувчи олинаётган ахборотдан пассив фойдаланувчидан таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, таълим берувчи эса, мураббийдан маслаҳатчига айланади.

Мустақил таълимда талабаларнинг индивидуал ишлаши, педагогик қобилиятини намоён қилиши, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг индивидуал хусусиятлари шакллантирилади. И.П.Подласийнинг фикрича, педагогиканинг энг муҳим принципи индивидуал ёндашув бўлиб, у шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва яшаш шароитларини чуқур билишга асосланган ва шахснинг ривожланишини бошқаришдан иборат. Демак, педагогик таъсирнинг


тўғри танланган шакллари ва усуллари таълим олувчининг индивидуал хусусиятларига мослашуви, асосий таркибий вазифаларни ҳар бир ўқувчига мослаштириларни кераклигини ўрганиш зарур.

Талабалар мустақил таълимда асосан матнли хужжатлар билан ишлайди. У матннинг муҳим қисмларини хуқуқий жиҳатдан фикрлаш ва аниқлаш учун таҳлил қилишига тўғри келади. Муҳим қисмлар деганда, хужжатнинг вазиятга қараб хуқуқий тавсиф бериш учун имконият яратадиган қисмлари тушунилади.

Мустақил таълим мавзулар мазмуни бўйича тайёрланган амалий топшириқлар маълумот олиш учун хуқуқий ахборот-қидирув тизимларига мурожаат қилинадиган тарзда тайёрланади. Талабаларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантиришда уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, яъни, диққат, эътибор ва хотирасига катта аҳамият берилади. Олинган маълумотлар устида амалларни бажариш рефлексив онгли ҳаракатлардан самарали фойдаланишни кўзда тутади.

Диссертацияда талабаларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантиришни индивидуаллаштириш асосий йўналиш бўлиб, ҳар бир шахс ва жамият учун зарур бўлган хуқуқий маданият даражасига мос келадиган ҳамда шахснинг ёшга боғлиқ хусусиятлари, имкониятлари, эҳтиёжлари ва қобилиятларини ҳисобга олиши аниқланди.

Бўлажак педагогларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантиришда таълим воситаси сифатида “Право”, “Норма”, “Yurida” хуқуқий-ахборот-қидирув тизимлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги хуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан яратилган “Lex.uz” сайтлари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди (2-расм.).



2-расм. Ахборот-қидируv тизимларининг қиёсий таснифи.

Талабалар педагогик-хуқуқий билимлари, янги объект ва жараёнларни ўзи билганидан фарқлашга ўрганиши учун қиёсий таснифни асос қилиб олади, бу орқали уларнинг хуқуқий онг ва тасаввурлари такомиллашиб боради, бу уларда хуқуқий маданиятнинг ривожланиши учун замин бўлади.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида таълим воситаларини танлаш ўқув-ахборот муҳитини яратиш борасидаги тизимли таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу муҳит техник таъминот, дастурий таъминот ва ташкилий-методик таъминот воситаларини ўз ичига олади.

Педагогика олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология фанларини ўқитиши жараёнидаги дастурий воситаларни танлашда талабаларнинг амалдаги ўқув фаолиятида кенг қўлланадиган дастурий маҳсулотлар, меҳнат бозори талаблари ва ахборот-хуқуқий муҳитнинг ривожланиш тенденцияларига мўлжал олиш лозим. Бундан ташқари, таълим воситаларини танлашда қўйидаги параметрларни ҳисобга олиш керак. Таълим воситалари (техник ва дастурий воситалар) ўқув жараёнини ўқув-услубий таъминлаш стандарти талабларига жавоб бериши лозим. Таълимнинг дастурий воситалари дидактик имкониятларга эга бўлиш ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолият натижаларини сақлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш имкониятини таъминлаши лозим.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак педагогларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантириш, уларнинг ахборот ва касбий компетентлигини шакллантириш мақсадида хуқуқий ахборот-қидирав тизимлари муҳит элементи сифатида такомиллаштирилган электрон ўқув-услубий мажмуадан фойдаланилди. Таълим жараёнида ахборот ва педагогик компетенцияларни босқичма-босқич шакллантириш ва хуқуқий маданиятни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Таълим жараёнида маҳсус хуқуқий вазифани ҳал қилишни ўрганиш бўйича талабалар ахборот ва педагогик компетентлигининг дидактик синтези амалга ошади.

Бўлажак педагогларни ўқитишининг педагогика ва психология фанлари доирасида хуқуқий ахборот-қидирав тизимларида ишлаш орқали хуқуқий маданиятини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳал қилиш кўникмаси шакллантирилди. Таълимни ахборотлаштириш шароитидан келиб чиқсан ҳолда, бўлажак ўқитувчиларда хуқуқий маданиятни ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (3-расм). Таъкидлаш лозимки, бўлажак педагогларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, ҳар бир педагогика ОТМ ахборот муҳити шароитлари ва таълим воситаларини танлаш имкониятларига боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бундан ташқари, ахборот технологиялари ва хуқуқий ахборот тизимлари муттасил ривожланишда эканини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган модель мазмуни мунтазам такомиллаштириб борилиши лозим.

Мазкур модель педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг хуқуқий маданиятини ривожлантириш жараёнларининг барча шакллари ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда хуқуқий фаоллик кўникмаларини такомиллаштиришни назарда тутади. Моделда талабаларнинг хуқуқий маданиятини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш мақсади белгиланган. Таълимни ахборотлаштириш

шароитида педагогик кадрларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда фаол фуқаролик, ўзини ўзи ривожлантириш ва ҳуқуқий тарғиботни қасбий-педагогик йўналганлик сифатлари билан уйғунлаштириб тарбиялаш асосида такомиллаштирилган. Ҳуқуқий маданият кўникмаларини ривожлантиришга оид билим, кўникма ва малакалар ахборот тайёргарлигига боғлиқ жараёнлар билан бирга, шахсий хислатлар, педагогик аҳамиятга эга сифатлар, қобилият ва компетентликка боғлиқ. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш мезонларини белгилашда ҳуқуқий маданиятнинг компонентлари хисобга олинди: когнитив компонент – ҳуқуқий нормалар, билимлар тизимли равиша етказиб бериш. Талабаларнинг қонунчилик соҳасидан хабардорлиги, қонун талабларига риоя қилишга (риоя қилмасликка) муносабатини такомиллаштириш; мотивацион ва баҳоловчи компонент – ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод, қизиқиш, мотивацияни шакллантириш ва турли ҳуқуқий вазиятларни баҳолашни такомиллаштириш; фаолиятли компонент – ҳуқуқий нормаларга онгли равиша риоя қилиш ва ҳуқуқ нормаларини педагогик фаолият давомида ҳуқуқий вазиятларда тўғри қўллаш малакаларини ривожлантириш.

Аудиторияда ва аудиториядан ташқари жараёнларда талабаларнинг ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш, мустақил тафаккурини шакллантириш, ҳуқуқий мулоқотга киришишга ундаш, ўз фикрини эркин баён этиши учун имкониятлар яратиш ўзига хос аҳамият қасб этади ва бу, ўз навбатида, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш воситаларини аниқлаш ҳамда ўзига хос хусусиятларини ўрганиш заруриятини белгилайди.

Диссертациянинг “Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш тажрибасини ўрганиш” номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва олинган натижалар таҳлили келтирилган.

